

WCG-2007



2007 йилнинг июн-июл ойларида компьютер ўйинлари бўйича Ўзбекистон бешинчи чемпионати бўлиб ўтади. Худди аввалги йиллардагидек, бу йилги мусобақаларда ҳам компьютер ўйинлари бўйича Жаҳон чемпионати — World Cyber Games (WCG)да иштирок этувчи кучлилар сараланади.

Бешинчи чемпионат ташкилотчилари — Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги, "Ўзбектелеком" АК (бош хомий) ва "infoCOM.UZ" журнали.

WCG-2007нинг республика саралаш турнири икки босқичдан iborat. Дастлабки босқич мамлакатимизнинг бешта шахрида бўлиб ўтади. Ушбу турнир 2 июн куни Бухоро шахрида старт олади ва унда Бухоро, Навоий, Қашқадарё, Хоразм вилоятлари ҳамда Қорақалпоғистондан келган геймерлар куч синашишади. 9-10 июн кунлари Самарқанд (Самарқанд ва Жиззах вилоятлари), 16-17 июн кунлари Қарши (Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятлари), 23-24 июн кунлари Фарғона (Фарғона, Андижон ва Наманган вилоятлари) шаҳарлари турнирга мезбонлик қилади. Тошкент шахрида 27-30 июн кунлари ўтадиган мусобақа иштирокчилари — Тошкент ва Сирдарё вилоятлари ҳамда пойтахт геймерлари мазкур босқични яқунлаб беришади.

Юқоридаги минтақавий гуруҳларда чемпионатнинг беш расмий ўйини бўйича ғолибликни қўлга киритган 36 геймер 5 июл куни пойтахтдаги Халқаро бизнес-марказда ўтадиган Миллий финал (WCG-2007 Uzbekistan Preliminary)да қатнашади. Ғолиб ва совриндорларга чемпионатнинг медаллари топширилади. Ўз навбатида, чемпионлар Сиятлда ўтадиган Жаҳон чемпионатида мамлакатимиз шарафини ҳимоя қилишади.

Бу йилги мусобақаларда 3000дан ортиқ геймернинг иштирок этиши кутилмоқда. Фақат 9 нафар геймер Сиятл йўлланмасини қўлга киритишини ҳисобга олсак, мусобақаларнинг қизиқарли ва мурасасиз ўтиши аниқ.

**Собит АҲАДОВ,**  
"Xabar" мухбири

**WCG-2007 UZBEKISTAN PRELIMINARY РАСМИЙ ЎЙИНЛАРИ:**

- Warcraft® III: Frozen Throne — 1994 йилнинг 3 октябригача туғилган ўйинчилар қатнашади.
- StarCraft®: Brood War™ — 1994 йилнинг 3 октябригача туғилган ўйинчилар қатнашади.
- FIFA Soccer 07 — 2001 йилнинг 3 октябригача туғилган ўйинчилар қатнашади.
- Half-Life™: Counter-Strike 1.6 — 1990 йилнинг 3 октябригача туғилган ўйинчилар қатнашади.
- Need for Speed™ Carbon — 1997 йилнинг 3 октябригача туғилган ўйинчилар қатнашади.

## УМРБОД БЕПУЛ

«Unitel» МЧЖ Навоий шахрида ўзининг янги савдо офисини очди.



**Билайн™**

«Билайн»нинг Навоийдаги фахрий абоненти сифатида II Жаҳон уруши қатнашчиси, қатор орден ва давлат мукофотлари соҳиби Иброҳим Норов танланди. 81 ёшни қаршилаган Иброҳим Норов ҳозирги кунда Навоий вилояти Кармана тумани оқсоқоллар кенгаши аъзоси, шу билан бирга, у ушбу туманда ободонлаштириш бўйича агроном бўлиб хизмат қилмоқда. «Unitel» компанияси унга замонавий мобил телефон ҳамда уяли алоқа хизматидан бутун умр бепул фойдаланиш имкониятини тақдим этди.

Маросимда «Unitel» компанияси вилоят соғлиқни сақлаш бошқармасига «Тез ёрдам» машинасини совға қилди.

## ЎЗБЕКИСТОН АЛОҚА ХОДИМЛАРИ КАСАБА УЮШМАСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ ЖАМОАСИ

Юртимиз алоқачиларини касб байрамлари – АЛОҚАЧИЛАР КУНИ билан қутлайди.

Эзгу мақсадларингизни амалга оширишда Сизларга куч-қувват тилаймиз...



Жонажон юртимизда доимо тинчлик ҳукм сурсин!

**АКТ РИВОЖИНИНГ ТАРИХИЙ САНАЛАРИ**

- 825 йил — Буюк математик, астроном, жўғрофия олими Абу Абдуллох Мухаммад ибн Мусо ал-Хоразмий томонидан ўнлик санок тизимида тўртта асосий амалларни бажариш алгоритми берилган. "Алгоритм" атамаси Ал-Хоразмий номидан келиб чиққан.
- 1642 йил — Биринчи механик ҳисоблаш аппарати француз физиги, математиги ва файласуфи Блез Паскал томонидан кашф қилинган. Аппарат сонларни қўша оладиган машина кўринишида бўлган. Паскал уни солиқларни ҳисоблашда отасига кўмаклашиш учун яратган эди.
- 1812 йил — Инглиз олими Чарлз Беббиж механик калкуляторни ишлаб чиққан ва 1823 йилда уни қурган. Механик калкулятор буг ўрдамида ҳаракатга келтирилган ва тўла автоматик бўлган. Калкулятор ичига ўрнатилган дастур билан бошқарилган.

## МАХСУС АВАРИЯ-ТИКЛАШ БОШҚАРМАСИ ЖАМОАСИ

Мамлакатимиз алоқа ва ахборотлаштириш соҳаси ходимларини алоқачилар байрами билан табриклайди. Қадрли ҳамкасблар, айёмингиз муборак бўлсин.



Байрамона кайфият Сизни асло тарк этмасин!



O'ZBEKTELEKOM AK

## “ЧИРКОМ” ҚЎШМА ҚОРХОНАСИ ЖАМОАСИ

Юртимиз алоқачиларини касб байрамлари билан чин дилдан муборакбод этади.

CHIRKOM

Ушбу фарахбахш кунларда Сизларга бахт-саодат, оилавий хотиржамлик, ишларингизда улкан муваффақиятлар тилаймиз.

АФОРИЗМ



Спроси у сведущих то, в чем не просвещен,  
И тем докажешь ты, что истинно учен.  
А коль не спросишь их, то после — плачь — не плачь —  
Невеждой и умрешь: ты сам себе палач.

Алишер НАВОИ

ZiyoNET—АНОНС\*

### Завершилась первая спартакиада

В Навоийской области завершилась первая республиканская спартакиада по армрестлингу, шахматам и настольному теннису среди воспитанников детско-юношеских спортивных школ.

### Конкурс юных изобретателей

В Ташкенте состоялся республиканский этап смотр-конкурса юных изобретателей. Он был приурочен к Международному дню интеллектуальной собственности и проводился детской организацией «Камалак» общественного движения молодежи «Камолот» совместно с Республиканским центром технического творчества учащихся, Государственным патентным ведомством, Ташкентским университетом информационных технологий.

### Стипендии для учащихся колледжей

Джизакский областной филиал республиканского фонда «Меҳр-муруват» уделяет особое внимание материальной и моральной поддержке детей с ограниченными возможностями и из малообеспеченных семей, обучающихся в академических лицеях и профессиональных колледжах.

### Бывшие армейцы — среди самых активных студентов

В постановлении Президента страны от 31 октября 2005 года «О мерах по дальнейшему совершенствованию системы льгот военнослужащим, проходящим срочную военную службу в Вооруженных Силах Республики Узбекистан» отмечен ряд задач по проявлению особой заботы о молодежи, проходящей срочную военную службу, созданию льгот и возможностей для того, чтобы они обрели достойное место в обществе.

\*Более подробную информацию можно получить на сайте информационно-образовательной сети ZiyoNET [www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)

## “РЕСПУБЛИКА МАХСУС АЛОҚА БОҒЛАМАСИ” ДАВЛАТ УНИТАР ҚОРХОНАСИ

Алоқа ва ахборотлаштириш соҳаси ходимларини


### АЛОҚАЧИЛАР БАЙРАМИ

билан самимий қутлайди.

Қадрли ҳамкасблар!  
Ватанимизнинг порлоқ келажagini яратиш, унинг ижтимоий-иқтисодий равнақи йўлидаги фаолиятингизда зафарлар тилаймиз.

Айёмингиз муборак бўлсин!

## Новости в сфере ИКТ



### Чистая прибыль Яндекса выросла на 139%

За 2006 год выручка Яндекса увеличилась более чем вдвое, составив 72,6 млн. долларов, а чистая прибыль компании достигла 29,9 млн. долларов, оказавшись на 139% выше по сравнению с 2005 годом, когда ее размер составил 12,5 млн. долларов.

За минувший год число рекламодателей, размещающих свои объявления в системе Яндекс. Директ увеличилось в 2006 году на 45% и превысило 30 тыс. По статистике LiveInternet, на протяжении всего года доля Яндекса в поисковом трафике российских пользователей сохранялась на уровне 60%.

Как отметил генеральный директор Яндекса Аркадий Волож, финансовые результаты за 2006 год уже позволили компании сделать несколько приобретений в 2007 году, среди которых социальная сеть «Мой Круг», система электронных платежей Яндекс.Деньги и команда разработчиков мобильных приложений компании «Смартком».

### В Евросоюзе будут преследовать за пиратство

Европейский парламент одобрил Вторую директиву по борьбе с нарушениями в области интеллектуальной собственности (Second Intellectual Property Enforcement Directive, IPRED2). В финальном тексте законопроекта отсутствовал ряд моментов, не позволивших принять директиву при прошлом голосовании в начале текущего месяца, однако противники инициативы по-прежнему высказывают свое недовольство.

За нарушение авторских прав в «промышленных масштабах» и «пиратство» подобным нарушениям закон предусматривает наложение штрафа в размере 300000 евро и до четырех лет тюремного заключения. Противники законопроекта отмечают, что наказания за пиратство нарушению копия уже предусмотрено законодательством некоторых стран, однако введение столь суровых мер, по мнению организации Foundation for a Free Information Infrastructure, является необоснованным.



Фахрийларимизни тириклигида қадрлайлик, эъзозлайлик. Уларнинг умрини бир йил, бир ойга бўлса ҳам узайтириш, кўнглини олиш, дардига малҳам бўлиш йўлида қўлимиздан келган барча ишни қилиш бугунги авлод учун ҳам фарз, ҳам қарз бўлмоғи лозим.

ИСЛОМ КАРИМОВ

● FAXRIYLAR — FAXRIMIZ



Аллоҳ ўзи севган бандаларини одамларнинг иши тўшадиган касб билан сийлаб қўяди, дейишди. Агар меҳнат фаолиятини бундан ярим аср муқаддам бошлаб, табаррук 70 ёшда ҳам эл манфаати

йўлида самарали фаолият кўрсатётганини ҳисобга олсак, Наримон ака Каримовни ана шундайлар қаторига қўшиш мумкин.

# Дуо ҳамроҳи бўлди

Бутун умрини телекоммуникация соҳасига бахшида этган Наримон аканинг алоқачи-муҳандислик касбини танлашига кичик бир воқеа сабаб бўлган эди...

Тошкентнинг ўрда даҳасида истиқомат қилувчи Муҳиддин ака оиласини деҳқончиликдан топган даромади ҳисобига юристар, бу баракали касб билан шуғулланиш учун эса Қўйлик атрофидаги жамоа ҳўжаликларидан ер олиб, вақтинчалик кўчиб боришар ва баҳордан кузгача меҳнат қилишарди. Ана шундай кўчишлардан бирида ҳўжалик бошқаруви янги қурилган уйлардан бирини Муҳиддин ака оиласига беради. Буюмларини хоналарга жойлаштириб, дам олиб ўтирган Муҳиддин ака Наримонга "Ўғлим, ҳаммаси яхши бўлди-ю, ахборот эшитиш имкони йўқ эканда. Қани шу ерда радио бўлса", деб қолади. Физика дарсларида сим тортиш билан боғлиқ ишларга кўзи тушган ўспирин, ҳозир дейди-ю, чиқиб кетади. Ҳўжаликдан сим, радиокарнай олиб келиб, умумий линиядан уйларига сим тортади ва радиони ишлатиб юборади.

— Ҳандаги отам (раҳматли)нинг хурсандчиликлари, юракдан чиққан дуолари мени алоқа соҳасини танлашимга сабаб бўлди, — дейди Наримон ака. — 1955 йилда 4-алоқа техника билим юртига ўқишга кирдим. 1957 йили билим юртини тамомлаган тўрт нафар курсдошларим қаторида Ўзбекистон алоқа вазирлиги йўлланмаси билан Сурхондарё вилоятига ишга юборилдим.

Билим юртининг биринчи қалдирғочлари бўлган ёш алоқачиларни вилоят алоқа бошқармасидагилар мамнуният билан кутиб олиб, телефонлаштириш ва радиотехникалаш ишлари олиб борилаётган Ангор туманига ишга жўнатишди. Ёш Наримон Каримов 5-разрядли монтажчи-бригадир вазифасида иш бошлайди.

— Дастлабки кунларда вилоят обҳавосини эътиборга олмаган эканман, — дейди Наримон ака. — Бир неча кун ичида елкам худди куйган каби шишиб чикди. Ҳанда ангорликлар даволаш йўлларини ўргатишди. Туманда телефон ва радио ишга тушган кундаги одамлар шодлигини кўриб, барча қийинчиликлар эсимдан чиқиб кетди. Менга отахонлар дуоси бир умрга ҳамроҳ бўлди. Кейинчалик, армия сафарида йигитлик бурчимни ўтаб юрган пайтларимда ҳам, Давлат алоқа лойиҳа институтидидаги узок йиллик меҳнат фаолиятим, сунгра Ўзбе-

кистон алоқа вазирлигида қурилиш масалалари бўйича мутахассис, пенсияга чиққанимдан бери "O'zAloqaKonsalting" масъулияти чекланган жамиятнинг лойиҳаларни экспертиза қилиш бўлимида бош мутахассис сифатида ўз фаолиятини давом эттираётган ҳозирги кунларда ҳам ана шу дуо куч-қувват берапти.

Наримон Каримов Ўзбекистон телекоммуникация соҳаси ривожини билан баравар одим ташлаётган фидоий инсонлардан бири. У алоқа лойиҳа институтидида ишлаб юрган пайтларида Нукус ва Урганчда қўл коммутаторларини автомат телефон станцияларига, Тошкентдаги 2/3-телефон станцияларини декадали-одимловчи русумлисига алмаштириш ҳамда 58-АТС лойиҳа смета ишларини бажаришга муносиб ҳиссасини қўшди. Ишдан ажралмаган ҳолда Тошкент Давлат университетида ўқиб, олий маълумот олган Наримон ака Давлат алоқа лойиҳа институтидида бўлим бошлиги бўлиб ишлаган пайтларида 50 нафардан ортиқ ходимларни ўз атрофига жамлаб, энг масъулиятли топшириқларни ахилликда адо этишди. Жумладан, 1994 йилда Транс-Осиё-Европа лойиҳаси бўйича иш олиб бориб, Абай (Қозғистон) — Тошкент-Гулистон-Жиззах-Самарқанд-Қарши-Бухоро ҳамда Кўкдала (Қашқадарё)-Бойсун-Термиз-Денов кабел трассалари ва станция иншоотлари лойиҳа-смета ҳужжатлари ўз вақтида бажарилди. Наримон ака иншоотлар қурилиши даврида муаллифлик назоратини олиб борди.

Бир вақтлар устозлари — таниқли ва ҳурматли инсонлар Воҳид Йўлдошев, Юсуф Мухамедов, Абдумалик Толипов, Петр Шевченко, Шомурод Шомухамедовлардан иш ўрганган Наримон Каримов фахрийлик даврида ҳам ёшлардек гайрат-шижоат билан ишлаб, соҳа мутахассисларига устозлик қилмоқда. Бирор масалада ёрдан сўраб келганларга Наримон ака билганларини бажонидил ўргатапти.

Агентликнинг "Ўз касбининг устаси" нишондори Наримон Каримов аҳил ва ўқимишли оиланинг соҳиби. Рафиқаси Мамлакат опа олима, биология фанлари номзоди. Тўрт нафар фарзанд, 13 нева-ра бобо билан бўвининг овучоғи. Улар ота-аналари билан фахрланишди.

Ҳа, ҳар кимга ҳам ана шундай бахтли тақдир насиб этсин.

Муборак МИРКАМОЛОВА,  
«Хабар» мухбири

## ДАВЛАТ АЛОҚА ИНСПЕКЦИЯСИ ЖАМОАСИ

Мамлакатимиз алоқачиларига

### Ҳотира ва Қадрлаш куни

муносабати билан самимий дил изҳорларини билдиради. Бир-биримизга меҳр-мурувватли бўлайлик.

Ўтганларни доимо ёдга олиб, тирикларни эъзозлаб яшайлик!


## ФАН-ТЕХНИКА ВА МАРКЕТИНГ ТАДҚИҚОТЛАРИ МАРКАЗИ ЖАМОАСИ

Ўзбекистон халқига  
9 май — Хотира ва  
Қадрлаш куни

муносабати билан тинчлик, оилавий хотир-жамлик тилаб қолади.

Меҳр-мурувват ришталари ҳеч қачон узилмасин.

Доимо ўтганларни ёд этиб, аждодлар руҳига ҳурматда бўлайлик!



Иккинчи жаҳон уруши Қашқадарё воҳаси таъриқининг бир маромдаги ривожланишига ўз салбий таъсирини ўтказмасдан қолмади. Вилоятдан 98069 киши урушда иштирок этди. Уларнинг кўпчилиги фашизмга қарши жангларда ҳалок бўлди. Мамлакатимизда 9 май — Хотира ва Қадрлаш куни сифатида нишонланиши анъана тусини олган. Давлатимиз раҳбарининг таъбири билан айтганда, "Хотира ва Қадрлаш бир-бирига уйғун бўлган сўзлардир. Хотираси бўлмаган, тарихини унутган, ўз аجدларининг қадрига етмайдиган миллатнинг истиқболи йўқ, Қадрлаш ҳаётнинг кўп синовларини, азоб-уқубатларини бошидан кечирган, Ватан учун, эл-юрт учун, бугунги мусавфо осмонимиз учун жон олиб-жон берган, бугун ҳам орамизда юрган меҳрибон ота-боболаримизни, олийжаноб инсонларни эъзозлашдир."

Қашқадарё вилоятидаги алоқа ва ахборотлаштириш корхоналарида меҳнат қилган фахрийлар орасида ҳам фронт ортини мустаҳкамлаш, алоқа соҳасини ривожлантиришга ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшганлар кўплаб топилди.

Вилоятда алоқа соҳасини ривожлантириш, шаҳарлараро коммутатор, туман марказларида электр линияларини ўрнатиш, ишлатиш, таъмирлаш, чекка аҳоли масканлари билан алоқа ўрнатиш, ҳаво алоқа линияларини тортиш, электралоқа ва почта алоқасини ривожлантиришда, Қарши чулини ўзлаштиришда фидокорона меҳнат қилган Омон Рашидов, Қозоқ Шаропов, Омон Хўшмуродов, Анвар Зайнидинов,

# Инсон хотираси

Уруш — миллионлаб йўқотишлар, вайроногарчиликлар, етим болалар, бева қолган аёллар, жигаридан айрилган оналар фарёди... Бу қора кунлар ҳозир ҳаёт бўлган боболаримиз нигоҳларида абадий муҳрланиб қолган.

## Мангу эҳтиром



Бўрон Суяров, Йўлдош Жовунов, Лидия Литвиненко, Валентина Троянова, Зинаида Волковская, Умид Муродов ва бошқаларнинг ёрқин хотираси қалбларда, дилларда мангу. Уларнинг заҳматли меҳнати, амалга оширган ишлари бугунги соҳа ходимлари, мутахассислари учун ибрат макта-

бини ўтамоқда. Албатта, ўтган умрини эзгуликка, халқига бахшида этган бу каби инсонлар хотираси доимо эътиборда бўлишига арзийди.

Инсон бор экан, хотира мангудир. Шу ўринда таъкидлаш лозимки, бу кун нафақат Иккинчи жаҳон урушида, балки Ватан равнақи ва озодлиги йўлида жон фидо қилган минглаб юртдошларимиз хотирасига ҳурмат бажо келтирилади. Шу билан бирга, ота-боболаримиз жасоратининг қадрига етиш она Ватанга, халққа муҳаббат, истиқлол ғояларига садоқат, шу юртга, шу халққа муносиб фарзанд бўлишдек эзгу туйғуларни ёшларимиз онгига сингдиришда муҳим аҳамият касб этади.

Хотира, Қадр ҳеч қачон кўнгилларни тарк этмасин!

Афтондил Исмоилов,  
«Хабар»нинг Қашқадарё  
вилоятидаги муҳбири

Жўракул бобо йигитлардек шижоат билан саман отига миниб, озроқ юрган ҳам эдики, хабарчининг, "Жўракул бобо, тўхтанг, суюнчини чўзинг, бир яхши хабар бор, нафакангизни ҳам олиб келдим, деган овозидан сергакланиб ортига қаради. "Э, Йўлдошбой, яхши хабарга жоним садақа, қани, янгиликдан гапиринг, ўзи почтачилар Худонинг севган бандаларида, фақат яхши хабар олиб келишади", деб отидан тушди, сўрашиб почтачини уйига таклиф этди.

Вақти зикрлигини айтган почтачи Жўракул бобога расми чиқарилган газетани узатди ва "Сизни мактаб ёзишибди, лекин тўғри ёзишибди. Чунки, ҳамма дам олсам сиз чарчаш нималигини билмайсиз, соғ бўлинг", деди.

Газетани қўлига отахон севишиб кет-Худо хоҳласа, бир ка қўяман!". Уз хизпочтачи хайрлашиб,

1995 йил бабири. Кечки тган Бахтиёрни опа чақириб, ринг яхшими?" — Онажон, чиликка ишга ўтказмоқчилар, сиз нима дейсиз, — деди ўғил.

— Хабарчилик савобли касб, — деди она. — Отанг тўғри маслаҳат берибди.

Бахтиёр эртасига тайёрлаб қўйган ҳужжатларини олиб, Иштихон туман марказига борди ва почта корхонаси бошлиғи Бурхон Ниятовга учрашди.

Корхона раҳбари унга "Тула" алоқа бўлимида хабарчилик вазифаси борлигини айтиб, ишга таклиф қилди. Бахтиёр бажонидил рози бўлди. У раҳбар ишончини оқлаш ва эл дуосини олиш учун астойдил меҳнат қилди. Ишлаб туриб, алоқа техникумини битириб ҳам олди. У 1996 йилдан алоқа бўлими бошлиғи. Ота руҳини шод этиб, эл дуосини олмоқда.

Зубайдулло ИБРОҲИМОВ

## Ота нияти

олиб расмини кўрган ди: "Йўлдошбой, ўғлимни хабарчилик-матидан ғурурланган йўлида давом этди...

хор кунларининг пайт ишдан қай-онаси Бунвар "Ўғлим, ишла-деб сўради.

отам мени почта-чилиликка ишга ўтказмоқчилар, сиз нима дейсиз, — деди ўғил.



**O'ZBEKTELEKOM AK**

*Жонажон юртимизда  
истиқомат қилаётган  
барча инсонларга, жумладан,  
алоқа соҳаси ходимлари  
ҳамда ўз миждозларига*

**9 май — Хотира ва  
Қадрлаш куни**  
*муносабати билан самимий  
истакларини йўлайди.*

**Бир биримиздан меҳр-  
мурувватни дариг тутмайлик.  
Ҳаёт деб аталмиш бу чаманзорга  
яхшилиқ уруғини қадаб яшайлик!**

**ЭЛЕКТРОМАГНИТ МОСЛАШУВ  
МАРКАЗИ ЖАМОАСИ**

**Хотира ва Қадрлаш куни**  
муносабати билан

юртдошларимизга ўзининг  
энг эзгу тилакларини билдиради.

**Халқимизга хос бўлган оқибат,  
одамийлик, бағрикенглик каби  
муқаддас тушунчалар ҳеч  
қачон йўқолмасин!**

# муқаддас, қадри — қиъз!



Abdulla Qahhor tavalludining 100 yilligi oldidan

## Адибни ёд этиб

Тошкент ахборот технологиялари университети қошидаги Мирзо Улуғбек академик лицейида халқимизнинг сеvimли адиби, XX аср ўзбек адабиётининг йирик вакили Абдулла Қаҳҳор таваллудининг 100 йиллиги кенг нишонланди.

Ушбу адабий-бадий тадбирда М.Улуғбек тумани Маънавият ва маърифат кенгаши раиси котиби, маънавият тарғибот маркази раҳбари Халима Жуманиёзова, Тошкент ахборот технологиялари университетининг ўқув-ишлаб чиқариш бўйича проректори Нурбек Мамбетов, лицей педагогик жамоаси ва ўқувчилари иштирок этишди.

Йигилишни лицей директори Нодира Умарова очиб, адиб ҳақида қисқача сўз юритди. Шундан сўнг сўз олган Х.Жуманиёзова А.Қаҳҳор ижодий мероси ўзбек адабиёти ривожига алоҳида аҳамиятга эга эканлиги, асарларида илгари сурилган инсонпарварлик ғоялари ёш авлод камолотида муҳим аҳамият касб этиши, ёзувчининг бадий маҳорати, сўз

бойлиги, асарларидаги ўзига хос нафосат, шахс сифатида адибнинг тўғриси ва ҳақиқатпарвар эканлиги, эзгу фазилатлари хусусида гапирди.

Шу куни лицей ўқувчилари ёзувчи таваллудига катта иштиёқ билан тайёргарлик кўрганларини намойиш этишди. Улар томонидан адибнинг ҳаёти ва фаолияти моҳирона очиб берилди. Унинг ўз асарларида қўллаган халқ мақоллари, ҳикматли сўзлари, ўғитларидан мисоллар келтирилди. Қисса ва ҳикояларидан сахна кўринишлари

**Абдулла Қаҳҳор фавкулудда истеъдодли, гоят ўткир ақл эгаси эди.**

**Константин СИМОНОВ**

ри намойиш этилди. Айниқса, "Синчалак" қиссасидан сахналаштирилган парчани йиғилганлар гулдурас қарсақлар билан қарши олишди. Куй-қўшиққа, қўшиқ рақсга уланди.

— Лицейимизда бу каби адабий-бадий кечалар тез-тез ўтказилиб турилади, — дейди



лицей директори Н.Умарова. — Барча тадбирларимизга ўқувчиларимиз катта тайёргарлик кўришадди. Бу борада уларга ўқитувчиларимиз, айниқса, она-тили ва адабиёти ўқитувчиси Мақсуда Қодирхўжаева яқиндан кўмак беради. Яқинда бобокалонларимиз Алишер Навоий ва Мирзо Бобурнинг таваллуд айёмларини нишонлаган эдик.

Мана, бугун моҳир сўз устаси, ҳикоянавис Абдулла Қаҳҳор домлани ёдга олдик.

Уйлайманки, Хотира ва Қадрлаш куни арафасида ўтказган бугунги тадбиримиздан Абдулла Қаҳҳор руҳи шод бўлади.

**Усмонжон ЙЎЛДОШЕВ**

### ҲИКМАТЛАР



Ҳаёт — барҳаёт бўлиш учун курашишдир.

**М.ПРИШВИН**

Яшашдан мақсад — ўлгандан кейин ҳам барҳаёт бўлиб қолишдан иборат.

**Мусо ЖАЛИЛ**

Ўзидан мангу хотира қолдирадиган инсонлар учун тугилиш чинакам бахтдир.

**ПЕРИКЛ**

Ҳаёт қисқа, лекин шухрат мангу бўлиши мумкин.

**ЦИЦЕРОН**

Барҳаёт бўлиб қолишнинг бирдан-бир имконияти ўзидан кейин ўлмайдиган бир нарса қолдиришидир.

\*\*\*

Ҳеч ким ўлимга чап бера олмайди, лекин одамлар буюк ишлари билан ўзларига шундай ҳайкал қурадиларки, бу ҳайкал куёш тургунча туради.

**У.ФОЛКНЕР**

Инсон жисман ўлса-да, руҳан йўқ бўлмайди, у ўз хулқ-атвори, қилган ишлари ва ижоди билан теварак-атрофдагилар ҳамда жамоат орасига сингиб кетади, тиррик қолганлар онгида яшашда давом этаверади.

**Н.Я.МАРР**




**О'ЗБЕКТЕЛЕКОМ АК**  
**"Тошкент шаҳар телефон тармоғи"**  
**филиали жамоаси**

Ўзбекистон халқига  
**9 май — Хотира**  
**ва Қадрлаш куни**  
муносабати билан  
Энг эзгу тилакларини  
йўллайди.

**Гўзал инсоний туйғулар**  
**қалбларимизда доимий қолсин!**

**ТОШКЕНТ АХБОРОТ**  
**ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ**  
**жамоаси**



Республикамиз  
аҳолисига,  
чин дилдан  
хизмат  
кўрсатаётган  
барча алоқа  
ходимларига  
Хотира  
ва Қадрлаш  
кунида энг эзгу  
тилакларини  
изҳор этади.

**Барчанинг хонадонид**  
**тинчлик ва хотиржамлик**  
**барқарор бўлсин.**

**Гўзал туйғулар**  
**қалбларимизни тарк этмасин!**



O'ZBEKTELEKOM AK

## “ШАҲАРЛАРАРО АЛОҶА КОРХОНАСИ” ФИЛИАЛИ ЖАМОАСИ

**9 май — Хотира ва қадрлаш  
кунида Ўзбекистон аҳолисига  
тинчлик хотиржамлик тилайди.**



**Юртимиз доимо тинч, осмонимиз  
мусаффо, хонадонларимиз обод бўлсин!**

## “ЎЗИ-САМАРҚАНД” ФИЛИАЛИ ЖАМОАСИ

**Хотира ва  
Қадрлаш куни**

**муносабати билан  
республикамиз  
аҳолисига энг эзгу  
тилакларини йўллайди.**

**Боболардан мерос  
қолган қадриятларимиз  
авлодларимиз учун ҳам  
муқаддас тушунчаларга  
айлангай!**

## ҲИКМАТЛАР



Шундай марҳумлар борки, улар тириклардан кўра барҳаётроқдир, лекин шундай тириклар ҳам борки, улар марҳумлардан кўра марҳумроқдир.

**Р.РОЛАН**

Марҳумлар ҳар хил бўлади. Уларнинг айримлари ўтган минг йилликлар қаърида туриб ҳам бугунги порлоқ кунимиз йўналишини белгилаб беради.

**М.ПРИШВИН**

Умри боқийлик, тўла маънода бўлмаса ҳам, шубҳасиз, авлодларда намоён бўлади.

**Л.ТОЛСТОЙ**

Умр қисқа, лекин инсон ўз фарзандлари тимсолида қайта яшай бошлайди.

**А.ФРАНС**



## БОҒБОН

Бухоро вилояти алоҶа тизими ривожига ҳисса қўшган факриятлар хусусида сўз борганда, соҳа ходимлари Жаҳон ТУРДИЕВ номини чуқур ҳурмат билан тилга оладилар.

Бундан 50 йил муқаддам Гиждувон туманининг олис Сармижон қишлоғидаги мактабни битирган ўсмир йигит ўз меҳнат фаолиятини Вобкент алоҶа бўлимида оддий радиомонтёрликдан бошлаганини, кейинчалик эса, яъни 1965 йилгача мазкур туман алоҶа бўлими почта оператори, назоратчиси, бошлиғи сифатида меҳнат қилганини у билан ўша олис йилларда елкамаелка ишлаган ҳамкасблари яхши билишади.

Жаҳон Турдиев қаерда ва қайси вазифада ишлашдан қатъи назар ўзига ва бошқаларга талабчанликни, умумжамоа манфаатини шахсий манфаатидан устун қўйишни қанда қилмади. Унинг тиниб-тинчимаслик ва куюнчаклик, мустаҳкам ирода ва эътиқод, қийинчиликлардан чўчимаслик, оғир вазиятларда муаммоларни ижобий ва оқилона ҳал этиш сингари фазилатлари алоҶа соҳасида белгиланган режа-топшириқлар бажарилишида муҳим омил бўлгани рост. У маълум муддат Гиждувонда ишлагач, соҳа раҳбарлари бу ишбилармон ва иқтидорли мутахассисга Кармана тумани, сўнгра Бухоро тумани Галаасиё алоҶа бўлимига, 1988 йилдан 2000 йилгача Гиждувон тумани электралоҶа боғламасига бошчилик қилиш вазифасини топширишди. Ж.Турдиев ҳеч қачон билим олишдан, малакасини оширишдан эринмас, тинмай ўқир ва изланар эди. У дастлаб Тошкент алоҶа политехникуми (ҳозирги алоҶа коллежи), сўнгра Тошкент Давлат университетининг ҳуқуқшунослик факултетини сиртдан ўқиб битиргани ҳам фикримиз тасдиғидир.

Бир пайтлар фаолиятларини Жаҳон Турдиевнинг бевосита раҳбарлиги остида бошлаган, бугунги кунда эса алоҶа соҳасидаги самарали меҳнатлари билан эл-юрт назарига тушган “Бухоро Телеком” филиали директори Шариф Худойбердиев, вилоят Давлат алоҶа инспекцияси бошлиғи Бешиш Ражабов, “Ўзбекистон

почтаси” ОАЖ Бухоро филиали директорининг биринчи ўринбосари Ислоҳ Қўлдошев, Галаасиё почта алоҶаси тармоғи бошлиғи Муҳаррам Мирзаева, Когон телекоммуникациялар боғламаси бошлиғи Музаффар Жумаев ва бошқа бир қатор соҳа ходимларининг қай бири билан суҳбатда бўлманг, бу ажойиб инсон ҳақида илиқ фикр билдиришади, ундан бир умрга миннатдор эканликларини қайта-қайта таъкидлашади.

Асл боғбондан гуркираган боғ қолади, деганларидек, фидойи ва заҳматкаш инсонлардан ҳам эл қорига ярашни шараф деб биландиган фарзандлар қолиши ҳақиқат. Ж.Турдиевнинг ўғилларидан Олим Турдиев — Вобкент тумани почта алоҶаси тармоғи бошлиғи, Халил эса Шофиркон телекоммуникациялар боғламаси раҳбари. Бошқа ўғил-қизлар ҳам ота-оналари ишончини оқламақда.

Гиждувон туманидаги оддийгина хонадонларнинг бири... Ҳовли саҳнида турли йилларда Жаҳон ака ўз кўли билан ўтказган мевали ва манзарали дарахтлар. Турли саналар ва байрамлар арафасида бу хонадон узоқ-яқиндан келадиган таниш-билишлар, Жаҳон аканинڭ ёру дўстлари, фарзандлари, неварачеваралари билан гавжум бўлади. Улар орасида семимли бобоси касбини танлаган Шербек ва Бунёдлар ҳам бор. Улар ҳозирги пайтда Тошкент радиотехника коллежида таҳсил олишмоқда.

Жаҳон аканинڭ 70 ёшни қоралаб қолган умр йўлдоши Муҳаббат аянинг қўллари ҳаммиша дуода. “Эл-юртимиз тинч, осмонимиз мусаффо бўлсин, — дейди у. — Юртимизни ёмон кўзлардан Яратганнинг ўзи асрасин”.

Жаҳон Турдиевнинг табарруқ номи ҳам, амалга оширган эзгу ишлари ҳам ҳамкасбларининг бунёдкорона фаолиятларида яна узоқ йиллар бардавом бўлиб қолаверади.

**Асқар ИСТАМОВ,  
«Хабар»нинг Бухоро  
вилоятидаги мухбири**

**TATU HAYOTIDAN**



**УМРНИНГ ҲАР ЛАҲЗАСИ ҒЎЗАЛ...**

Тошкент ахборот технологиялари университетидида мунтазам равишда давом этиб келаётган "Машҳур кишилар билан учрашув" маънавий-маърифий тadbирининг бу галги меҳмони ўзининг бетақрор ва беқийс санъати билан дилларни забт этган таниқли актёр, Ўзбекистон халқ артисти Ёдгор САЪДИЕВ бўлди.

Tadbirni universitet maъnaviy-axloқий ishlar bўйича prоректори Бахтиёр Омонов очиб, учрашув талабаларнинг маънавий онгини оширишга хизмат қилишини, ёшлар уларнинг ҳаётлари билан яқиндан танишиб, қалбларида ифтихор туйғуси мавж уришини таъкидлаб ўтди.

«Дийдор энг яхши туйғу. Сизлар билан дийдорлашмоқ бахти насиб қилганидан, бугунги куним сиз ёшлар ила ғўзал ва фараҳбахш ўтаётганидан чексиз мамнунман», дея сўз бошлаган актёр мухлислари билан дилдан суҳбат қурди. Ўзининг ҳаёт йўли ҳақида сўзлаб берди. Бир қанча видеофилмларидаги ролларидан парча ижро этиш билан бирга дилтортар қўшиқларини ёшларга армуғон этди.


Учрашувда устоз мураббийлар, талабалар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олишди.

Университет талабаларидан ташкил топган хаваскорлар жамоаси ҳам шўх қўшиқлари ғўзал рақслар билан меҳмонни хушнуд этдилар.

Маҳфуза ЙЎЛДОШЕВА

**РАДИОАЛОҚА, РАДИОЭШИТТИРИШ ВА ТЕЛЕВИДЕНИЕ МАРКАЗИ ЖАМОАСИ**

**Ғўзал юртимиз алоқачиларини КАСБ БАЙРАМЛАРИ билан муборакбод этади.**



**Байрамингиз қутлуғ бўлсин!**

**АКТ РИВОЖИНИНГ ТАРИХИЙ САНАЛАРИ**

- 1844 йил — Морзе алифбосидан фойдаланиб телеграф ёрдамида биринчи хабар юборилган.
- 1866 йил — Тўғридан-тўғри ва бир зумда алоқа қилиш учун трансатлантик кабел ётқизилган.
- 1876 йил — Александр Грахам Белл илк бор телефонни кашф этган.
- 1895 йил — Александр Попов томонидан илк бор радио кашф этилган.
- 1941 йил — Немис олими Конрад Цюзе дунёда биринчи марта сонларга ишлов бериш учун иккилик тизимидан фойдаланиб Z3 релели компьютерни яратган.



**О'ЗБЕКТЕЛЕКОМ АК**

**“СУРХОНДАРЁ ТЕЛЕКОМ” ФИЛИАЛИ ЖАМОАСИ**

**Республикамиз алоқа ва ахборотлаштириш соҳаси ходимларини алоқачилар байрами билан табриклайди.**



**Мухтарам ҳамкасблар! Сизларга шарафли фаолиятингизда улкан муваффақиятлар тилаймиз!**



**Иброҳим уста**

Урганч шаҳридаги 5-АТС вилоят марказидаги энг кўҳна маскан бўлиб, декадали-одимловчи станция эди. Вақти келиб, координаталига ҳам ўтилмасдан, бирданига рақамли станцияга айлантирилди.

Иқтидорли мутахассис Иброҳим ЖУМАОБОВ ўн уч йилдан буюн ушбу АТСда оператор-электромонтёрлик касбини эъзозлаб келаётганлардан бири.

Рақамли АТС тизимларини тузатишни ўрганиб олган Иброҳим синчковлик билан станциянинг ишлаш жараёнини текшириб боради, биронта қисми (плата) носоз ҳолга келган бўлса, захирадагиси билан алмаштиради. Айниқса, ёгингарчилик кунларида 3-4 марталаб текширишга тўғри келади. Линияларнинг қисқа туташуви аниқланганда, изоляция қилдиради. Қарздор мижозлар пул тўлаганларидан кейин телефонини улаб қўяди.


— Кечагина шогирд эдим, бугун эса ёшларга устозлик қиляпман, — дейди И.Жумабоев. — Урганч ахборот ва компьютер технологиялари касб-хунар коллежи талабаларига амалиёт жараёнида касбнинг ўзига хос сирларини ўргатяпман. Ҳозирги ёшлар жуда қизиқувчан, билимга ташна, ўз касбларини тезроқ эгаллашга ҳаракат қилишади. Уларнинг ғайрат-шижоатини кўриб гурурланиб кетаман.

Ҳамкасблар Иброҳим Жумабоевни малакали ходим деб билишади. Шунинг учун ҳам унга мураккаб замонавий техника ишониб топширилган. Иброҳим ишончли оқлашга ҳаракат қилмоқда.

Фарҳод МУҲАММАДИЕВ, «Хабар»нинг Хоразм вилоятидаги мухбири

Суратда: Иброҳим ЖУМАОБОВ талаба Диля ГАЛКИНАга касб сирларини ўргатмоқда.

## ALOQA OLAMIDA


YAHOO  
JARIMA  
T'ULAYDI

Пекин суди Yahoo интернет компаниясини Хитойнинг муаллифлик ҳуқуқлари тўғрисидаги қонунларини бузган деб топди. Чунки, мазкур компаниянинг қидирув тизимида қўшиқлар ва мусиқий албомлар ноқонуний жойлаштирилган сайтларнинг ҳам иловалари бор. Овоз ёзувчи студиялар эгаларининг даъволарида кўрсатилишича, Хитойдаги Yahoo Music фойдаланувчиларни 229та қароқчилик мусиқий файли жойлашган сайтга йўналтириш билан шуғулланиб келган. Энди етказилган зарарни қоплаш учун Yahoo мазкур студияларга 210 миллион юан жарима тўлаши шарт.

## SMS АЙБДОР

Ирланд ёшлари тўғри гапириш ва ёзишни унутишмоқда. Бу ҳолат Ирландия таълим вазирлиги 15-16 ёшли мактаб ўқувчилари ўртасида инглиз тилида имтиҳон ўтказган чоғда, айниқса, аққол кўзга ташланди.

Вазирлик мутахассисларининг ҳисоботида айтилишича, болаларнинг саводсизлигига сабаб — кенг тарқаган замонавий коммуникация технологиялари, аниқроғи — SMS. Ирланд ўқувчилари ўн икки ёшга етар-етмас ўз қўл телефонларига эга бўлишади. Уларнинг деярли барчаси тенгдошлари билан матнли хабар алмашишга қизиқишади. Статистика маълумотларига кўра, энг фаол абонентлар ҳафтасига 250дан зиёд SMS йўллайди. Қисқа хабар жўнатишда асосан кўча тилидан, турли қисқартмалардан фойдаланилиши, тиниш белгилар деярли ишлатилмаслиги каби ҳолатлар ўқувчилар саводининг кун сайин пасайиб кетишига олиб келаётир. Бунинг устига уларнинг сўз бойлигига ҳам пугур етмоқда.



## IBM ТОЗАЛИК ТАРАФДОРИ

IBM компанияси дунё бўйлаб электрон чиқиндиларни камайтиришга қаратилган кенг кўламли дастурини амалга оширяпти.

Ишлатишга яроқсиз компютерларни тиклаш ва улардан қайта фойдаланишни кўзда тутувчи мазкур кенг кўламли ташаббус доирасида 2006 йил мобайнида IBM 50 минг тонна "темир-терсақ"ни қабул қилди ва ишлов берди, уларнинг фақат 1 фоизигина атроф-муҳитга зарарсиз материал сифатида чиқитга чиқарилган.

IBMнинг экология сиёсати бўйича вице-президенти Уэйн Балтнинг сўзларига кўра, компания нафақат ахборот технологиялари соҳасида, балки компютер тизимларини эксплуатациядан самарали чиқариш соҳасида ҳам жаҳонда етакчилик қилмоқда.

## АКТ РИВОЖИНИНГ ТАРИХИЙ САНАЛАРИ

□ 1947 йил — Американинг йирик телефон ва телефон станциялар ишлаб чиқарадиган "Bell Telephone Laboratories" олимлари Жон Бардин, Вилям Шокли ва Валтер Бреттейнлар ўзларининг янги кашфиётларини — яримўтказгичли транзисторни (1948 йилда патентланган) намойиш қилганлар. Бу кашфиёт электрон қурilmалар, хусусан, компютерлар ўлчамларини сезиларли даражада кичрайтирган. Чунки, яримўтказгичли транзистор бундан аввал фойдаланилган Лампа триодига нисбатан жуда кичик ўлчамларга эга. Бу кашфиёт учун Жон Бардин, Валтер Бреттейн ва Вилям Шокли 1956 йилда Нобел мукофотига сазовор бўлганлар.

□ 1955 йил — Тошкент электротехника алоқа институти очилган. Шундан бошлаб Ўзбекистонда коммуникация соҳасида муҳандислар тайёрлана бошланган.

## МЕЪЁРГА НИМА ЕТСИН

Массачусетсда яшовчи 20 ёшли Райан Фитцджералд исталган киши билан мулоқотга тайёрлигини билдириб, ўзини видеога олган ва қўшимча тарзда телефон рақамини ҳам илова қилиб, YouTube видеохизмат тизимига жойлаштирганди.

Уй шароитида олинган ушбу лавҳа тезда YouTubeнинг энг кўп кўриладиган роликлари қаторига чиқиб олди. Ролик машҳур видеосервисда пайдо бўлгандан бошлаб Райаннинг телефонига 5 мингдан ортик кўнғироқ бўлиб, бир неча минг SMS келиб тушган. Энди у дам олиш кунларига мўлжалланган "текин дақиқалар"ни тугатгани етмаганидек, ўзига хизмат кўрсатувчи T-Mobileга 20000 доллар ҳам тўлаши лозим. У бундан афсусда бўлса-да, хизмат ҳақини тўлашга тайёрлигини билдирган.



O'ZBEKTELEKOM AK

"САМАРҚАНД ТЕЛЕКОМ"  
ФИЛИАЛИ ЖАМОАСИ

Алоқа ва ахборотлаштириш соҳасида меҳнат қилаётган барча ҳамкасбларини алоқачилар байрами билан самимий қутлайди.

Азиз ҳамкасблар! Ватанимизнинг гуллаб-яшнаши, ижтимоий-иқтисодий рагнақи йўлидаги сазй-ҳаракатларингизда улкан муваффақиятлар ёр бўлсин.

Айёмингиз муборак, азизлар!

## "КОИНОТ" ОАЖ жамоаси

Республикамизда меҳнат қилаётган барча ҳамкасбларини алоқачилар байрами билан табриқлайди.

Соҳа ривожига муносиб ҳисса қўшиб келаётган қадрли ҳамкасблар! Сизларга бахт-саодат, ишларингизга ривож тилаймиз.

Ҳамиша соғ-омон бўлинг!




## «ALSKOM» ЎЗБЕКИСТОН-РОССИЯ ҚЎШМА СУГУРТА КОМПАНИЯСИ ЖАМОАСИ

**Мамлакатимизнинг барча алоқа ходимларини касб байрамлари билан муборакбод этади.**



*Соҳа равнақи ва истиқболи йўлидаги сазъ-ҳаракатингизда улкан ютуқлар ёр бўлсин!*



**Байрамингиз муборак!**

### АКТ РИВОЖИНИНГ ТАРИХИЙ САНАЛАРИ

□ 1957 йил — Октябр ойида Ўзбекистон аҳолиси учун биринчи оммавий телевидение кўрсатувлари намойиши бошланган.

□ 1962 йил — “Телетайп” фирмаси дастлабки микрокомпьютерларда ахборотни киритиш ва чиқариш учун ишлатилган клавиатура ва мониторни чиқарган.

- Абу Райхон Беруний номидаги Тошкент политехника институтида компьютер илми ва электроника соҳасида муҳандислар тайёрлаш учун академиклар М.Ўрозбоев ва Ф.Раҳимов ташаббуси билан муҳандис-физика факултети ташкил топган. Шундан бошлаб Ўзбекистонда компьютерлар соҳасида муҳандислар тайёрлана бошланган.

- Математика институти қошидаги Ҳисоблаш техникаси бўлими ЎзФА Механика институти қошида Ҳисоблаш марказига айлантирилди.

© ZBEKTELEKOM AK

### “ЖИЗЗАХ ТЕЛЕКОМ” ФИЛИАЛИ ЖАМОАСИ

**Алоқа ва ахборотлаштириш соҳасида меҳнат қилаётган барча ходимларни алоқачилар байрами билан қизгин табриклайди.**

**Олдингизга қуйган эзгу мақсадларингизни амалга оширишингизда сизга куч-қувват ва мустаҳкам соғлиқ тилаймиз.**

**Ўтиб бораётган ҳар бир лаҳза ҳаётингизга мазмун бахш этсин!**

### QAROR VA IJRO

2007 йилнинг 10 апрел куни Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Сугурта хизматлари бозорини янада ривожлантириш ва ислоҳ қилиш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори қабул қилинди.

## Сугурта бозори

Қарора биноан, рақобатли сугурта бозорини шакллантириш, сугурта фаолиятининг замонавий турларини ривожлантириш ва сифатини ошириш, республика сугурта бозорининг халқаро сугурта бозорига интеграциялашувига шароит яратиш, вилоятларда тармоқларни кенгайтириш, сугурталовчиларнинг иқтисодий барқарорлиги даражасини ошириш ҳамда сугуртани тартибга солиш услубларини мукамаллаштириш каби масалалар асосий мақсад қилиб қўйилган.

Халқаро амалиётдан келиб чиққан ҳолда сугурта фаолияти ва назоратини, сугурта қонунчилик базасини ва нормативларини келгусида мукамаллаштириш бўйича қатор чора-тадбирларни амалга ошириш мўлжалланган.

Шу билан бир қаторда, кўрсатилаётган сугурта хизматлари ҳажминини ва сифатини ошириш, айниқса, тадбиркорлик фаолиятини сугурта қилиш, импорт-экспорт амалиётларини, ҳаётни узоқ муддатли сугурталаш, сугуртанинг йиғилиб боровчи турлари бўйича хизматларни мукамаллаштириш режалаштирилган. Президент қарори билан сугурта бозорининг профессионал қатнашчилари (сугурта агентлари, брокерлар, ажастерлар, сюрвейерлар, актуарий ва ассистент ташкилотлари) ҳақида низом тасдиқланган.

Қарорда Ўзбекистон сугурта бозорининг профессионал қатнашчилари Ассоциациясини ташкил қилиш ва Ассоциация фаолиятининг қуйидаги асосий йўналишлари белгилаб берилган:

- сугурта бозори конюктурасини ўрганиш, рақобатни ривожлантириш, сугурта хизмати ҳажминини ва сифатини ошириш;

- потенциал чет эл инвесторларига Ўзбекистон Республикаси сугурта бозорига инвестицияларни киритишда кўмак бериш;

- сугурта масалалари бўйича республика аҳолиси ўртасида фаол тушунтириш-тарғибот ишларини олиб бориш;

- сугурта учун кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тизимини мукамаллаштириш, сугурта бозори профессионал қатнашчилари учун профессионал этика меъёрларини ишлаб чиқиш.

Мазкур қарорга биноан, сугурта ташкилотлари низом

жамғармасининг энг кам миқдори умумий сугурталаш тармоғида фаолиятни амалга оширадиган сугурталовчилар учун 500 минг АҚШ доллари миқдорига белгиланди ҳамда сугурталовчилар низом жамғармасининг 90 фоизини ташкил этувчиларнинг ўз маблағлари ҳисобига ташкил этилиши лозим.

Ўзбекистон Республикаси молия вазирлиги ҳамда сугурта компаниялари билан биргаликда 2007-2010 йиллар давомида сугурта бозорини янада ривожлантириш ва ислоҳ қилиш дастури ишлаб чиқилди. Ушбу дастурда сугурта соҳаси ишчи ва хизматчиларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини мукамаллаштиришга алоҳида эътибор берилган. Шуни айтиб ўтиш керакки, сугурта хизматлари бозорини ривожлантириш ва сугуртада юридик ва жисмоний шахслар кенг қатнашинини рағбатлантириш учун Президент қарори билан мулкни ва ҳаётни узоқ муддатли сугурталаш бўйича сугурта мукофотлари солиқдан озод этилиши белгиланган.

Ишлаб чиқилган дастурга биноан, мамлакатимиз сугурта бозорини янада ривожлантириш йўлида олиб борилаётган ислохотлар, ахборот-коммуникация технологиялари тизимида ҳам сугурта муносабатларини янада жадаллаштиришга туртки бўлади, деган умиддамиз. Ҳозирга келиб сугуртавий ҳимояланганлик даражаси бўйича алоқа соҳаси мамлакат иқтисодиётининг бошқа тармоқлари ичида энг юқори ўринлардан бирини эгаллаб турибди. Хусусан, ахборот-коммуникация технологияларининг ривожланиб бориши билан янгидан пайдо бўлаётган қалтисликларни эътиборга олган ҳолда янги инновацион сугурта маҳсулотлари яратиш бўйича тадқиқот ишлари олиб бориляпти.

Алоқа ва ахборотлаштириш соҳасида сугурта муносабатларининг жадал ривожланиши нафақат корхоналар фаолиятининг барқарорлигини таъминлайди, балки уларнинг иқтисодий ўсиши учун қўшимча сармоя маблағлари (чет эл инвестициялари)ни жалб этилишида ҳам муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

**М.МУҚИМЖОНОВ,  
Б.ТУРОББОЕВ**

## “ЎЗБЕКИСТОН ПОЧТАСИ” ОАЖ БУХОРО ФИЛИАЛИ ЖАМОАСИ



Мамлакатимиз алоқа ва ахборотлаштириш соҳаси ходимларини касб байрамлари билан қизгин қутлайди.



Яхши ният ила бошлаган барча ишларингизда омад ва муваффақият ҳамиша ёр бўлсин.

Хонадонингиздан  
файзу барака аримасин!

### АКТ РИВОЖИНИНГ ТАРИХИЙ САНАЛАРИ

- 1969 йил — ARPAnet компютер тармоғи яратилган.  
- Биринчи лазерли принтер яратилган — XEROX фирмаси ксерография технологияси асосида лазерли чоп этиш технологиясини тақдим қилган.
- 1971 йил — IBM ўзининг биринчи флоппи-дискини тақдим қилган. Унинг ўлчами 8 дюйм.  
- Компютер муҳандиси Рай Томлинсон биринчи бўлиб электрон хабар (e-mail) жўнатган.
- 1972 йил — XEROX фирмаси Alto компютерини чиқарган, у “сичқонча” билан жиҳозланган ва интернет тармоғида ишлайдиган биринчи компютер бўлган.

### ЎЗБЕКТЕЛЕКОМ АК

## “НАВОИЙ ТЕЛЕКОМ” ФИЛИАЛИ ЖАМОАСИ

Алоқа ва ахборотлаштириш соҳаси ходимларини касб байрамлари билан чин қалбдан табриклайди.

Юртимиз фаровонлиги йўлидаги ишларингизда Сизларга зафарлар ёр бўлсин.



### QUTLOV

## ДЎСТИМИЗГА

Муҳтарам Муртазо СУЛТОНОВ! Табаррук умрингизнинг етмишинчи баҳорини қаршилаш бахтига муяссар бўлганлигингиз билан барча дўсту ёронларингиз, ҳамкасбларингиз номидан чин дилдан муборакбод этамиз.



Бу самимий қутловларга Сиз билан қарийб эллик йил давомида турли ташкилотларда ёнма-ён ишлаган, жонкуяр ва ҳаракатчан мутахассислигингизни, чин инсоний фазилатларингизни ҳар дамда ҳис этган сафдошларингиз, юзлаб шогирдларингиз ҳам қўшилиб ўзларининг энг эзгу тилаklarини йўллашмоқда.

Мамлакатимиз жамоатчилиги Сизни илмни амалиёт билан боғлаб иқтисод фанлари номзоди даражасига эришган малакали мутахассис, таълим-тарбия муассасалари моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ишига катта ҳисса қўшиб келётган жонкуяр ва ташкилотчи раҳбар сифатида биладилар. Ўзбекистон ва Қорақалпоғистонда хизмат кўрсатган бинокор унвонларига сазовор бўлганлигингиз, кўплаб нишонлар билан тақдирланганлигингиз ҳам бундан далолат беради.

Меҳнат фаолиятингизни Хоразм вилоятида қурувчи-муҳандис сифатида бошлаб, кейинчалик билим-тажрибангизни ошириб, турли масъулиятли лавозимларда самарали ишлаб келётганлигингиз, кўпчиликнинг меҳр-муҳаббатини қозонганлигингиз шогирдларингиз учун ибрат намунаси ҳисобланади.

Сиз 27 йил давомида вазир ўринбосари сифатида олий, ўрта-маҳсус ўқув юртларининг моддий-техника таъминоти яхшиланиши, янги бинолар барпо этилиши соҳасида жонбозлик кўрсатиб келаясиз. Ҳозирги пайтда қишлоқ инфраструктурасини ривожлантириш, хусусан, замонавий мактаблар, болалар муассасалари бунёд этилишига тармоқ мутасаддиси сифатида муносиб улуш қўшаётганлигингизни, қарийб эллик йилдан бери оммавий ахборот воситаларида қурилиш-меъморчилик мавзуйидаги мақолалар билан қатнашиб келётганлигингизни, китоблар чоп эттирганлигингизни яхши биламиз.

Етмиш ёш инсоннинг энг камолга етган, тафаккури теранлашган даври. Олам баҳор ифори ила мунаввар бўлган бугунги кунда қутлуғ етмиш ёшингиз билан табриклаймиз, мустаҳкам соғлиқ, узоқ умр тилаймиз!

Саидакбар АФЗАМОВ

## Саломатлик рамзи

(Ривоят)

Бир шох овқат еб ётавериб, семириб кетибди. Бир оз юрса нафаси қисилиб, чарчаб қолар экан. Табиблар шохнинг дардига бирор эм бўларли муолажа қилолмадилар. Бундан хабар топган бир донишманд шох олдига ёввойи эчкини олиб келибди.

— Сиз мана шу эчкини ушлашингиз керак шохим, — дебди доно киши. — Шунда касалингиз эчкига ўтади ва сиз тузала-сиз. Шох эчкини ушламоқчи бўлган экан, у чап бериб қочибди. Шох қизиқиб кетиб, қувлашдан қолмабди. Кунлар кетидан кунлар ўтибди, эчки ҳамон тутқич бермасмиш. Лекин шох оз-оз оғирлигини йўқотаверибди. Ниҳоят, шундай эпчил ва чақсон бўлиб кетибдики, бир кун эчкини ушлаб ҳам олибди.

Ана шу вақтдан бери эчки спортчиларнинг эпчилиқ, саломатлик рамзи бўлиб хизмат қиларкан.

### ТАБРИКЛАЙМИЗ!

“Фаргона Телеком” филиали ҳамда вилоят алоқа ходимлари бирлашган касаба уюшмаси кўмитаси жамоалари филиал ходими Иномжон УМАРОВни муборак 60 ёшга тўлиши муносабати билан самимий табриклайди. Унга мустаҳкам саломатлик, узоқ умр, фарзандларининг роҳат-фароғатини кўриб юришини тилайди.



## SPORT

### “ЎЗИ-САМАРҚАНД” — ЎЗБЕКИСТОН ЧЕМПИОНИ!

Тошкент шаҳрида шу йилнинг 19-26 апрел кунлари волейбол бўйича олий лига жамоалари ўртасида Ўзбекистон 15-чемпионати мусобақаларининг якуний тур ўйинлари бўлиб ўтди.



Мусобақаларда 50 очко билан “Ўзи-Самарқанд” жамоаси голиб бўлди ва ўнинчи мартаба Ўзбекистон чемпионлигини қўлга киритди. Иккинчи ўринни 43 очко билан Олмалик шаҳрининг ОТМК, учинчи ўринни 41 очко билан Наманган шаҳрининг “Динамо” жамоалари эгаллашди.

Таъкидлаш лозимки, чемпионатда 25 мартаба ўйин ўтказган “Ўзи-Самарқанд” жамоаси уларнинг барчасида голибликка эришди. Бундай натижанинг қайд этилишида жамоа бош мураббийи Антон Ким, мураббий ёрдамчиси Марат Турсунов, спорт усталари Руслан Ҳамидуллаев, Александр Рибалкин, тажрибали ўйинчилардан Суҳроб Едгоров ва Алибек Лапасовларнинг юксак маҳоратлари, масъулиятни ҳис қилиб ўйин кўрсатишлари сабаб бўлди.

Тақдирлаш маросимида голибларга совринларни Ўзбекистон волейбол федерацияси бош котиби Леонид Айрапетяни топширди. “Ўзи-Самарқанд” жамоасининг ушбу ғалабаси уларга Баҳраинда ўтказиладиган клублар ўртасидаги Осиё чемпионатида катнашиш ҳуқуқини берди.

Ўтказиладиган клублар ўртасидаги Осиё чемпионатида катнашиш ҳуқуқини берди.

# Xabar

МУАССИС:

ЎЗБЕКИСТОН АЛОҚА ВА АХБОРОТЛАШТИРИШ АГЕНТЛИГИ

Бош муҳаррир:  
Абдусайд КҮЧИМОВ

### ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

Абдугани АБДУРАҲМОНОВ  
(Бош муҳаррир ўринбосари)  
Бахтиёр КУБЕЕВ  
Шомансур ОБИДХҲҲАЕВ  
Миродил САНГИЛОВ  
Равшанбек СУЛАЙМОНОВ  
Лутфилло ТУРСУНОВ  
(масъул котиб)  
Асаджон ХҲҲАЕВ  
Рустам ҚОСИМОВ  
Содиқжон ҚОСИМОВ

Газета  
Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигида 0016 рақами билан рўйхатга олинган.

МАНЗИЛИМИЗ:

100060, Тошкент-60,  
Т. Шевченко кўчаси, 17-уй.  
Тел.: 133-36-48; 136-35-29.  
Факс: 136-36-42.  
E-mail: orif@infonet.uz

Таҳририятта келган қўлёзма ва суратлар эгаларига қайтарилмайди. Муаллифларнинг фикрлари таҳририят фикридан фарқлиши мумкин.

Нашримиздан кўчириб босилганда “Xabar” дан олинганлиги кўрсатилиши шарт.

Тижорий материал — ❶  
Реклама матнларининг тўғрилиги таҳририят жавобгар эмас.

Рақам ва далилларнинг ҳаққонийлиги учун мақола муаллифи масъулдир.

Газетани тайёрлашда Интернет материалларидан ҳам фойдаланилган.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонасида чоп этилди.  
Манзил: Тошкент шаҳри,  
“Буюк Турон” кўчаси, 41-уй.

453-G сонли буюртма.  
Офсет усулида босилди.  
Қоғоз бичими А-3, ҳақми 4 босма табоқ.  
Адади: 9533 нусха.

Газета таҳририят компьютер базасида терилди ва сақланганлиги.  
Саҳифаловчи: Аслиддин БҲҲРИЕВ.  
Матн тереви: Дилфуза МАТҚҲҲРБОНОВА.

Ахборот ҳамкоримиз:  
UZINFOCOM маркази.

Босишга топширилди — 20.00.  
Босишга топширилиш вақти — 20.00.

### “СЕВИНЧ”НИНГ ҚҲҲВОНЧИ ЧЕКСИЗ

Пойтахтимиздаги “Ўзбекистон” спорт мажмуида футбол бўйича хотин-қизлар ўртасида Ўзбекистон кубоги мусобақаларининг финал ўйини ўтказилди.

Учрашувда азалий рақиблар — Қаршининг “Севинч” ва Андижоннинг “Андижанка” жамоалари ўзаро баҳс олиб боришди. Майдонда устунликка эришган қаршилик қизлар рақиб жамоани 4:1 ҳисобида доғда қолдириб, кубокни қўлга киритишди.

### ЁШ ШАХМАТЧИЛАР БАҲСИ

Пойтахтимизда 14 ёшгача бўлган қизлар ва ўғил болалар ўртасида шахмат бўйича мамлакат биринчилиги ўтказилмоқда.

Олтинчи турдан сўнг, қизлар ўртасида Тошкент вилояти вакиласи Жаннат Собирова, сирдарёлик Сарвиноз Қурбонбоевалар пешқадамлик қилишмоқда.

Ўғил болалар баҳсида эса пойтахтлик Улуғбек Тиллаев ва Роман Голубев ҳамда самарқандлик Жаҳонгир Воҳидовлар рақибларини ортда қолдиришмоқда.

### ЯНА “ЛИВЕРПУЛ” — “МИЛАН”



Европа Чемпионлар лигасининг финалчилари номи маълум бўлди. Унда худди икки йил илгари бўлгани каби “Ливерпул” ва “Милан” ўзаро баҳс олиб боради.

“Ливерпул” жамоаси икки ўйин натижасига кўра “Челси” устидан ғалаба қозониб, Чемпионлар лигасининг ушбу мавсумдаги биринчи финалчисига айланди. Учрашув қаҳрамони пеналтилар сериясида Роббен ва Жеремиларнинг 11 метрлик жарима тўпларини бартараф этган Хосе Рейна бўлди.

Ярим финалнинг биринчи учрашувида лондонликлар “Ливерпул”ни 1:0 ҳисобида доғда қолдиришганди. Шу сабабли “Челси”нинг финалга чиқиши учун жавоб ўйинида дуранг ҳам етарли эди. Бироқ биринчи бўлимнинг ўрталарига келиб, лондонликлар тўп ўтказиб юборишди. Ушбу вазиятда ливерпулликлар сардори Стивен Жерард жарима тўпини ажойиб тарзда Аггерга етказиб берди ва унинг чамаси 20 метрлардан йўллаган тўпи дарвоза бурчагига бориб тушди.

Иккинчи бўлимда Моуринио шогирдлари ўзларига келишди ва қатор ҳужумлар уюштиришди, аммо уларга тўп киритиш насиб этмади. Кўшиб берилган дақиқаларда ҳам лондонликларнинг устунлиги сезилиб турди. Пеналтилар серияси белгиланганда эса Рейна иккита зарбани бартараф этди, Чех барча жарима тўпларини ўтказиб юборди.

“Ливерпул” — “Челси” — 1:0 (пен. бўйича 4:2). Биринчи учрашув — 0:1  
Ярим финал босқичининг иккинчи баҳсида Италиянинг “Милан” клуби Англиянинг “Манчестер Юнайтед” жамоасини “Сан-Сиро”да 3:0 ҳисобида тормор этди.

Бир ҳафта аввал меҳмонда 3:2 ҳисо-

бида мағлубиятга учраган миланликлар ўз майдонларида гол киритишлари талаб этиларди. Карло Анчелотти жамоаси дастлабки дақиқалардан оқ ташаббусни ўз қўлларига олишди ва англиялик футболчиларнинг Дича дарвозаси олдида хавфли ўйин кўрсатишларига йўл қўйишмади. Ўз навбатида “россонери”лар Эдвин ван дер Сар дарвозаси олдида хавфли вазиятларни юзага келтира бошладилар.

Учрашувнинг 11-дақиқасидаёқ мезбонлар ҳисобни очтишди. Ажойиб комбинация Каканинг голи билан якун топди. 30-дақиқага келиб, Зеедорф ўзини кўрсатди: икки ҳимоячини мохирлик билан алдаб ўтган ярим ҳимоячи кучли ва аниқ зарба йўллаб, Ван дер Сарни доғда қолдирди. Якуний ҳисобни захирадан майдонга тушган Жилардино ўрнатди. Ўйиннинг 78-дақиқаларида дарвозабон билан яккама-якка ҳолатга чиққан италиялик ҳужумчи тўпни узоқ бурчакка “михлаб” қўйди.

“Милан” — “Манчестер Юнайтед” — 3:0. Биринчи учрашув — 2:3

Бундан икки йил аввал Истанбул шаҳрида “Ливерпул” ва “Милан” финалда баҳс олиб боришган эди. Ушанда 3:0 ҳисобида олдинда бораётган “Милан”дан англияликлар ғалабани юлиб кетишган ва Чемпионлар лигаси кубогини қўлга киритишганди. Бу сафар италияликларга ушбу мағлубият аламини олиш насиб этадими ёки ливерпулликлар яна икки йил аввалги муваффақиятини такрорлашадими?! Бу саволларга 23 май кuni Афинада ўтадиган финал баҳсидан сўнг жавоб оламиз.

## ЭЪЛОН!

Барча алоқа ва ахборотлаштириш соҳасидаги акциядорлик компаниялар, жамиятлар, корхона ва муассасалар раҳбарлари диққатига!

Давлат алоқа инспекцияси янги бинога кўчиб ўтганлиги сабабли инспекциянинг манзили ва телефон рақамлари ўзгарганлигини маълум қилади.

Манзилимиз: 100000, Тошкент шаҳри,  
В.Малаясова кўчаси, 3-уй.  
Қабулхона телефони: 134-41-18.  
Факс: 133-71-09.

“Ўзбекистон почтаси” ОАЖ жамоаси почта алоқасини ташкил этиш бўлими бош мутахассиси А.Бектошевга падари бузруквори  
ФАНИ отанинг  
вафот этганлиги муносабати билан  
чўқур таъзия изхор этади.



## Радио кунни муборак бўлсин!

«Билайн» барча алоқа соҳасидаги ходимларни ушбу байрам билан самимий қутлайди!



**Билайн™**

ҳаётнинг ерқин тарафида бўл

Хизматлар лицензияланган. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида хизматлар "UNITEL" МChJ томонидан тақдим этилади.



## Ўзбекистон-Америка қўшма корхонаси



**Мамлакатимиз алоқа ва ахборотлаштириш соҳаси ходимларини алоқачилар байрами билан табриклайди.**

**Ушбу фараҳбахш кунларда Сизларга энг эзгу тилакларни йўллаётганимиздан ғоят бахтиёрмиз!**

